



Саййид Мубашшир Тарозий ўз ҳаммаслаклари билан бирга мужохид ватандошлардан Туркистонни озод қилиш жабҳасини тузишда иштирок этдилар.

Мустақиллик, озодлик ва ҳуррият тушунчалари бир-бирини тўлдириб келувчи нарсалар бўлиб, Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига берган улкан неъмат ҳисобланади. Аллоҳ таоло ҳар бир бандани мустақил-озод ва ҳур қилиб яратади. Инсон факатгина ўзининг яратувчиси ҳақ субҳанаҳу ва таологагина бўйсуниб, унга итоат қилиб яшаши даркор. Аммо, баъзи табиати бузук инсонлар бу қонидани бузиб, ўзига биродор бўлган бошқа инсонларни ўз иродасига бўйсундириш, уларни ўзига қул қилиш, бошқача қилиб айтганда, ўша инсонларнинг мустақиллигини, озодлиги ва ҳурриятини поймол қилишга уринади.

Бу мақсадга эришиш йўлида шахсларга қарши қуч-қувват ва зулм, давлатларга қарши уруш ва мустамлакачилик сиёсати ишга солинади. Натижада, шахслар қулга, давлатлар мустамлакага айланади. Қулга айланган шахслар озодлигини, мустамлакага айланган юртлар мустақиллигини йўқотади.

Шу билан бирга, қулга айланган шахс ва мустамлакага айланган юрт, ўз тушунчаси, дунёқараши, ҳассослигига қараб қуллик ва мустамлакаликка турлича қарайдилар. Ўзида озодлик тушунчаси етишмайдиган, бу неъматнинг қадрини билмайдиган шахсларда қулликка мойиллик бўлади ва ўзининг қуллигини озодлик, деб тушунади. Шунингдек, мустамлака бўлишга майли бор юртлар, ўзининг мустамлакалигини мустақиллик, деб айтади ва мустамлакага айланган қунни “илгор халқ”ка, “катта оғаси”га ўз ихтиёри ила қўшилган “бахтли” қун сифатида байрам қилади.

Ор номуслар бўлсинким, асли ҳур бўлган бизнинг халқимиз ичидан Ленинни отам, Марксни бобом, коммунизмни диним ва эътиқодим, деб ўзларининг уларга банда бўлгани етмагандай, ўз халқини ҳам қул қилишга уринган коммунистлар чиқди. Улар етмиш йилдан ортиқ даврда қул бўлган халқка “озодсан” деб, мустамлака бўлган юртимизни “мустақил”, деб қелишди.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, халқимизга фахр ва эътизозлар бўлсинким, унинг фарзандлари ичидан ҳақиқий ҳуррият ва озодлик, ҳақиқий мустақилликнинг маъносини тушинадиган, қадрини биладиган, қуллик ва мустамлакадан нафрат қиладиган шахслар етишиб чиқди. Бу азиз қишлоқларимиз сонлари оз бўлсалар ҳам, қучлари йўқ бўлса ҳам, Аллоҳнинг улуг неъматини бўлмиш озодликдан халқлари, мустақилликдан юртлари

бебахра бўлиб колмаслиги учун ҳаракат килдилар. Ўз халкининг бошқа халклар катори озод бўлиши, ўз юртининг бошқа юртлар катори мустакил бўлиши учун курашдилар. Аммо кучлар тенг эмас эди, юртдаги барча ҳукм ва имкониятни босиб олган коммунистлар мунофиқларча иш тутар, ўзлари озодлик ва мустакиллик ҳақида жар солиб, ҳақиқий озодлик ва мустакиллик тарафдорларининг ёстикларини куристар эдилар. Худосизлар тузуми халкимизнинг гули, юртимиз мустакиллиги фидойилари бўлган бу азиз кишиларимизни халк душмани ва реаксион куч сифатида айбладилар. Оқибатда, мустакиллик фидойиларининг баъзилари шаҳид бўлдилар, баъзилари эса, она ватанларидан хижрат қилишга мажбур бўлдилар.

Афсуски, юртимиз мустакиллигининг ҳақиқий фидойилари билан халкимиз ҳозиргача яхши таниш эмас. Лекин, ёмонлик жазосиз қолмаганидек, яхшилик ҳам бекор қетмайди. Музкур фидойиларимизни ҳам қимдир эслаши, уларнинг устидаги зулмни қўтариши, уларга ҳақиқий баҳони бериши керак эди.

Юртимиз мустакиллиги фидойиларидан бири Саййид Мубашшир Тарозийдир. У киши 1314 хижрий сананинг 27 ражабида, яъни 1886 мелодий сана, 20 декабрда Тароз шаҳрида (ҳозирги Жамбул, эски Авлиё ота) Туркистонда ўзининг илми, таквоси ва обрў-эътибори ила машҳур оилада дунёга келдилар. Оталари Саййид Муҳаммадхон ибн Саййид Муҳаммад Ғозийхон улкан олим бўлиб, ханафий мазҳаби фикҳи ва Накшбандий тариқатининг кўзга қўринган етакчиларидан бири эдилар. Алломаи Тарозийнинг ота тарафдан насаблари Имом Хусайин розияллоху анҳуга етиб боради. Она томонидан эса, Шарқий Туркистондаги охириги Ислом давлати амири Саййид Бузрукхон орқали Офок Хўжамга бориб етадилар.

Алломаи Тарозий ҳазратлари бошланғич таълимни Тарозда олдилар. Сўнгра Тошкентга келиб, мадрасаларда ўқиб, охири Абул Косимхон олий ўқув даргоҳини битирдилар. Шундан сўнг Бухорога бориб, одатдан ташқари имтиҳон топшириб, улуг устозларнинг тафсир, ҳадис, араб адабиёти ва бошқа илмлардан руҳсатларини олдилар.

Мазкур илмий даражаларга эришганларидан сўнг у кишини Туркистонда “аллома” деб атаётган бўладилар.

Алломаи Тарозий талабалик вақтларидаёқ Тошкентда чиқадиган “Ал-Ислом” ва Самарқандда чиқадиган “Ойна” мажаллаларига мақолалар ёза бўладилар. Олий мадрасада ўқиб турган чоғларида Тошкентда чиқадиган “Ал-Ийзоҳ” номли мажаллага бош муҳаррир этиб тайинландилар.

Аллома Тарозий 1917 йили Туркистон мустакиллиги учун курашиш мақсадида “Туркистон талабалар жамияти”ни туздилар. Тароз ва Тошкент шаҳарларида исломий илмлардан дарс бердилар. Керенский ҳукумати даврида давлат думасига ноиб этиб сайландилар. 1926 йили халқ томонидан диний назорат раиси этиб сайландилар.

Коммунистлар давлатни босиб олганларидан сўнг, ўз одатларича, ёлгон-яшиқ ваъдаларни бера бўладилар. “Шарқ мусулмонларига мурожаат” номли ёлгон ва нифокдан иборат, ваъдаларга тўла сафсата ҳам эълон қилинди. Бу ёлгонга қўпчилик ишонди. Аммо Алломаи Тарозий ҳазратлари ишонмадилар, дин-диёнат, халқ бахти ва ҳақиқий мустакиллик йўлидаги курашларини давом этдирдилар. Бу орада у киши коммунистлар томонидан уч марта қамалдилар ва бир марта сургунга ҳукм қилиндилар. Ўша вақтларда коммунистлар вакили Неъмат Ҳаким номли дахрий “Муҳаммад илоҳий пайгамбарми?” деган китоб ёзиб, дин-диёнатга, пайгамбарликка ва Худога шак қелтирган, кишиларни худосизликка чақиритишга урунган эди. Алломаи Тарозий ҳазратлари мазкур кофирнинг китобига раддия тарзида ўзбек тилида “Қуръон ва

нубувват” номли китоб ёзганлар ва уни ўзлари имомлик килган масжидда мусулмонларга ўкиб берганлар.

Худди ўша пайтда, мусулмон аёлларни ифбатсиз килиш мақсадида, хижобага қарши ҳужум бошланган эди. Баъзи бир ўзига илм нисбатини берувчи хоинлар бу ишни шариатга тўғри келади, деб қўллашига қарамай, Алломои Тарозий ҳазратлари бу ишга ҳам қарши чиқиб, мусулмонларни динни маҳкам тутишга даъват қиладилар.

Алломаи Мубашшир Тарозий ҳаётларини чуқур ўрганган тарихчилардан, машҳур ал-Азхар дорулфунуни уламоларидан доктор Хусайн Мухийб Мисрий ўша пайтдаги ҳолатни тасвирлаб, шундай дейдилар: “Мазкур воқеалардан кейин коммунистлар Тарозийни ўзларининг энг кучли муҳолифларидан бири, деб билдилар. Унинг халқ орасида туришини ўзлари учун хавф-хатар деб ангадилар ва Тарозийни ўлдиришга амр қилдилар. Лекин ҳукми ижро эта олмадилар, чунки, Алломани минглаб мухлис диндорлар ўраб туришарди. Алломаи Тарозийнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам иймондан бошқа қуроллари йўқ эди”.

1930 йили Алломаи Тарозий Бухоро орқали Афғонистонга хижрат қилишга мажбур бўлдилар. У зотни Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Нодиршоҳ катта ҳурмат билан кутиб олиб, одатдан ташқари Афғонистон фуқароси, подшоҳлик девони бош мудир, деб эълон қилди. Шунингдек, Афғонистон адабиёт академияси аъзоси ва Афғон қомуси ҳайъати таҳририга аъзо этиб тайинландилар.

1931-1932 санада Афғон расмий ҳайъати ила Саудия Арабистонига сафар қилиб, подшоҳ Абдулазиз билан дўстлик шартномасини тузиб қайтдилар.

1936 йили Ҳиндистонга сафар қилган Аллома Тарозий у юртнинг кўзга қўринган уламолари, мусулмон раҳбарлари билан учрашиб, муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. “Ислом ҳимояси ҷамияти” раиси машҳур шоир ва файласуф Муҳаммад Иқболнинг таклифларига биноан, шу ҷамиятнинг йиллик йиғилишида, “Ислом бирлиги вожиблиги” номли машҳур маруъзаларини қилдилар. Кейинчалик бу маруза турли тилларга таржима қилинди ва ҳамма ёқда нашр этилди. Шунингдек, у киши бошқа шаҳарларда ҳам марузалар қилиб, Ҳиндистон мусулмонларини бирлаштириб, мустамлақачиларга қарши қурашга даъват қилдилар.

Саййид Мубашшир Тарозий ўз ҳаммаслақлари билан бирга мужоҳид ватандошлардан Туркистонни озод қилиш ҷабҳасини тузишда иштирок этдилар. Ҳарбий тайёргарлик олиб бордилар. Одамларни коммунистик босқинчиларга қарши қурашга, мустақил Туркистон учун ҳаракат қилишга қорладилар. Лекин натижа қутилганидек бўлиб қикмади. Олмониядан қўли устун кела бошлаган Сталин Афғон ҳукуматига таъйик ўтказиб, туркистонлик мужоҳидларни қамашга мажбур қилди. Шундай қилиб, юрт мустақиллиги учун қурашган Саййид Мубашшир Тарозий ўз сафдошлари билан 1943 йил апрел ойидан бошлаб сиёсий маҳбус сифатида қамок ҷазосини ўтай бошлади. Лекин қамок ҳам улуг мужоҳиднинг иродасини буқа олмади. Тарозий ҳазратларининг қичик ўғиллари доктор Абдуллох Мубашшир Тарозий ўз оталарининг кучли шахсият эғаси эканликларининг далили сифатида қуйидагиларни эслайдилар. “Афғон ички ишлар вазирлиги сиёсий маҳбуслар бўлим бошлиги ўзининг қаттиққўллиги ва бераҳмлиги билан машҳур одам эди. Унинг номини эшитганда нафакат маҳбуслар, балки масъуллар ҳам ўзини йўқотиб, титроққа тушиб қолар эдилар. Шу даражадаги шаккок одам ҳам Саййид Мубашшир Тарозийнинг ҳузурларига ўзини ўнглаб қирар, қаршиларида тиз чўкиб ўтирар ва гаплашиб бўлганидан сўнг, қўлини қўксига қўйиб, одобла орқаси билан юрганича қичиб кетар эди. Сиёсий маҳбусларга ўқиш-ёзиш мутлақо манъ этилган бўлишига

карамай, Тарозий хазратлари хохлаган нарсаларини ўқиб, ёзар эдилар. У кишига биров бу ҳақда ҳеч нарса дейишга ботина олмас эди”.

Шундай қилиб, Аллома Тарозий ўзларининг буюк ҳаётларининг беш йилу, бир ой, уч кунини афгон сиёсий камогида ўтказдилар. Камоқдан чиққан мужоҳид Тарозийни суикасд уюштириб, ўлдириш учун КГБ ўз жосусларини Афғонистонга юборди. Аммо улар ўз ниятларига эриша олмадилар. Афғонистон подшоси Тарозий хазратларини яна саройга келишга таклиф қилди. Аммо у киши бу таклифни қабул қилмай, оилалари билан Мисрга кўчиб кетдилар.

Мисрда яшаган пайтларида турли йигилиш ва жамиятлар ишида фаол иштирок этдилар. Турли исломий масалаларни ҳал этишда қатнашдилар. Бу фаолиятларнинг барчасида бош масала Туркистонни коммунистлар қўлидан озод қилиш эди. У киши БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга ўз халқига коммунистлар томонидан қилинаётган жабр ва зулмларни баён этиб, бунга қарши чора қўришга даъват этдилар. Қўпчилик эрқпарварлар билан бирга “Мусулмон халқларни озод қилиш учун кураш” жамиятида ҳайъат аъзоси бўлиб ҳаракат қилдилар. “Минбарул Исломи” ва бошқа мажалла ва рўзномаларда ўз мақолаларини нашр эттирдилар. Мисрдаги обрўли уламолар, хусусан, Азҳари шариф шайхлари билан доимо алоқада ва ҳамкорликда бўлдилар.

Алломаи Тарозий хазратлари ўзларининг җиходга тўла муборак ҳаётлари давомида сермахсул ижод қилдилар. У киши 46та мажалла ва рўзномаларда ўз мақолаларини нашр эттирдилар. Афғонистонда яшаб турган вақтларида, энг сермахсул ёзувчи сифатида махсус муқофотга сазовор бўлдилар.

Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозийнинг мақола, нутқ, маърузаларидан ташқари талиф қилган китоблари қирк еттитага етган. У киши ўз китобларини ўзбек, форс ва араб тилларида ёзганлар.

Машҳур китобларидан баъзиларини тилга оладиган бўлсак, “Ойнаи жаҳон” маснавийлари, “Асқарият дар Исломи”, “Ҳуқиқи зан дар Исломи”, “Шароб менўш”, “Адаб ва иншо”, “Қошфул-лисом ар рубоийят Умарул Ҳайём”, “Нубзатун минассийран Набавия”, “ал-Ҷиход вал Ҷундия фии таолиймил Исломи”, “Илад Дийнил Фитриййил Абадий” ва бошқа қўплаб китоблардир.

Муҳожирлик ва мужоҳидликда ўтган бу улкан ҳаёт 1397х. сана, робиул аввал ойи учинчиси, душанба куни, яъни 1977м. сана 21 февралда охирига етди. Ўша куни Аллома Мубашшир Тарозий хазратлари Қоҳирада саксон уч ёшларида вафот этдилар. (Аллох ўз раҳматига олсин). У зотнинг дафн маросимлари илм, ирфон, хижрат ва җиходни тақдирлаш маросимига айланди. Буюк олимнинг жанозасини Азҳари шариф шайхлари Имомул акбар Абдулҳалим Маҳмуд хазратлари ўқидилар.

Ўз юртида коммунистлар қувғинига учраган, иймони учун ўлимга ҳукм қилинган инсонни дин қардошлари, мусулмонлар, азиз исломий Ватаннинг бошқа минтақаларида улуғладилар, эзозладилар.

Алломаи Тарозийнинг вафотларидан сўнг Қоҳирадаги “Айниш Шамс” дорулфунунида у кишини ёдлаб қатта халқаро анжуман ўтказилди. Анжуманда иштирок этган атоқли уламолар Алломаи Тарозий ҳаёти, ижод ва җиходлари ҳақида маърузалар қилдилар, илмий баҳсларини тақдим этдилар. Мазкур маъруза ва баҳслар алоҳида китоб шаклида чоп этилди.

Қиндик қони тўқилган она Ватанида коммунистлар жорий қилган темир парда ва ҳур фикрликнинг қатағони самараси туфайли ҳозирда ҳеч қимга танилмаган улуғ олимнинг ҳаёти, ижоди, җиходи, илмий ишлари, китоблари ҳақида Саудия, Миср, Сурия,

Афғонистон, Покистон, Туркия, Индонезия, Хиндистон, Япония каби юртларда олим ва тарихчилар изланиш олиб бориб, китоб ва бахслар, илмий маколалар ёздилар. Хозирги кунда бир неча дорулфунунларда Алломаи Мубашшир Тарозий хакида фан номзоди ва фан доктори унвони олиш учун олиб борилаётган бахслар рўйхатдан ўтган. 1993 йили Кохирада бўлиб ўтган “Ўрта Осиё ва Кафкоз мусулмонлари” номли илмий анжуманда ҳам Аллома Тарозий ва у кишининг илмий асарлари хакида бир неча марузалар килинди.

Улуг ватандошимиз, Туркистон мустақиллиги учун толмас курашчи, буюк олим Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозий хазратлари ўзларидан сўнг буюк илмий мерос билан бирга, ахли солих олим фарзандларни ҳам қолдирдилар. Улар ўз оталарининг ишларини шараф билан давом этдирмоқдалар. Катта ўғиллари Насруллох Тарозий Мисрда истикомат қиладилар. Кичик ўғиллари доктор Абдуллох Тарозий Жидда шаҳрида истикомат қиладилар. Уларнинг бир қанча китоблари чоп этилган.

Аллох таоло Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозийни раҳмат айлаб, жойларини жаннатдан қилсин!

Вакт эътиборидан сизларга денгиздан бир томчи тақдим эта олдик, холос. Шу билан халқимиз олдидаги бир манавий бурчни адо этмокчи бўлдик. Иншааллох, келгусида улуг олим ва мужоҳид Алломаи Тарозий хазратларининг ҳаётлари ва илмий мерослари тўлиқ ўрганилиб, халқимизга тақдим этилишидан умидвормиз.

Аллох таоло ўзи бундай хайрли ишларга муяссар қилсин!

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф,
"Тарих омонатдир" китобидан